

Ўзбекистонда “Зўравонликка қарши 16 кун” БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йил 17 декабрдаги резолюцияси билан 25 ноябрь - Халқаро аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш куни, сифатида белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистонда фуқароларни зўравонликтан ҳимоялаш, ҳар қандай зўравонликка муносиб жазо тайинлаш миллий қонунчилигимизда қатъий белгилаб қўйилган. Яъни, кўча-кўйда бегона инсонни ҳақоратлаш ёки унга тан жароҳати етказиш қандай жавобгарликка тортилса, **оиладаги шахсга нисбатан** зўравонлик ҳам ана шундай жазоланади. Бундай вазиятда зўравонликтан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш институтларининг фаолияти мухим аҳамиятга эга.

Эътиборлиси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ҳам зўравонликка қарши курашиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зўравонликтан жабр кўрган аёлларни реабилитация қилиш институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бу борада илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий амалиётга жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, бугун Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда **“Дунёнинг тўқ сариқ ранг тузи: жамғариш, жавоб бериш, олдини олиш, жамлаш!”** шиори остида **“Зўравонликка қарши 16 кун”** кампанияси очилиш маросими онлайн конференция шаклида ташкил этилди.

Конференцияда хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай зўравонликларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аёлларнинг муаммолари ҳақида ўз вақтида хабар топиш ва тегишли идоралар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мухим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Жиноят ишлари бўйича

Олтинсой туман судининг раиси

Т.Абдуллаев